

« 25 » январ 20 16 й.

Наманган шаҳри _____ 33 _____-сонли

Вилоят ҳокимлигида “Ишонч телефони” ташкил этиш тўғрисида

Вилоят ҳудудидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонунлари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек вилоят фуқароларидан ижтимоий-иқтисодий ва бошқа масалалар ҳамда уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун қисқа рақамли “1056” - “Ишонч телефони” ташкил этилсин.

2. Вилоят ҳокимлигининг “Ишонч телефони” орқали келиб тушган мурожаатлар вилоят ҳокимининг 2015 йил 6 майдаги 168-сонли қарори билан тасдиқланган “Наманган вилояти ҳокимлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида кўриб чиқилиши белгилаб қўйилсин.

3. Вилоят ҳокимлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг “Ишонч телефони” орқали мурожаатлари билан ишлаш схемаси 1-иловага мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг “Ишонч телефони” орқали келиб тушган мурожаатларини қайд этиш карточкаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, гуруҳ, котибият ва бўлимлари раҳбарларига вилоят ҳокимлигининг “Ишонч телефони” орқали келиб тушган мурожаатларни вилоят ҳокимининг 2015 йил 6 майдаги 168-сонли

қарори билан тасдиқланган “Наманган вилояти ҳокимлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида кўриб чиқиш ва иш ташкил этиш вазифаси юклатилсин.

5. Вилоят ҳокимлигининг умумий бўлими (О.Асқаров)га вилоят ҳокимлигининг “Ишонч телефони” орқали келган мурожаатларни вилоят ҳокимининг 2015 йил 6 майдаги 168-сонли қарори билан тасдиқланган “Наманган вилояти ҳокимлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талаблари асосида қабул қилиш, кўриб чиқилишини доимий назорат қилиш ва унинг мониторингини олиб бориб, уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

6. Вилоят ҳокимлигининг Ишлар бошқармаси (А.Жалилов)га вилоят ҳокимлигининг “Ишонч телефони” тўловларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш топширилсин.

7. Вилоят ҳокимлиги компьютерлаштириш маркази (Б.Ахунбабаев)га вилоят ҳокимлиги “Ишонч телефони” орқали тушаётган мурожаатлар статистикаси ва баҳолаш натижаларини вилоят ҳокимлигининг расмий сайтида www.namangan.uz акс этиб боришини таъминласин.

8. Мазкур қарор вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти ҳамда “Наманган ҳақиқати” ва “Наманганская правда” газеталарида расман чоп этилсин.


9. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вилоят ҳокими



Х. Бозаров

Вилоят ҳокимлигида жисмоний ва юридик шахсларнинг “Ишонч телефони” орқали мурожаатлари билан ишлаш СХЕМАСИ



Вилоят ҳокимининг 2016 йил
25 январдаги 33 –сонли
қарорига 2-илова

**Жисмоний ва юридик шахсларнинг “Ишонч телефони”
орқали келиб тушган мурожаатларини қайд этиш карточкаси**

Тартиб рақами:	Санаси:	Аризачи:
Манзили:		
Телефон рақами:		
Мурожаатнинг қисқача мазмуни:		
Раҳбарнинг кўрсатмаси:		
Ижро муддати:		

Вилоят ҳокими

Х.Бозаров

Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳолати	
Назорат учун масъул:	
Жавоб келган сана:	
Кўриб чиқиш натижаси:	
Назоратдан олинди:	Имзо:
Назорат натижаси:	Назорат учун масъулнинг имзоси: